



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
кељаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2015 йил 14 август, № 160 (6343)

Жума

Сайтмига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



Янгиликлар, воқеалар,

хабарлар

Айни пайтда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари нафақат мамлакатимиз иқтисодиёти тараққиёти, балки аҳоли турмуш фаровонлиги ва ҳаёт даражаси юксалишида ҳам етакчи қўлга айланган.

Бизнес юритишда имкониятлар кенгаймоқда

Жорий йилнинг биринчи ярмида ушбу соҳанинг саноатдаги улуши 31,4 фоиз, чакана товар айланмасида 86,3 фоиз, пуллик хизматларда 47,6 фоиз ва бандликда 77,2 фоизга етгани ана шундан далolat беради. Бу истиқлол йилларида қўлай ишбилармонлик муҳитини яратиш, тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга қўшимча имтиёзлар тақдим этиш бўйича

қўрилайётган тизимли чора-тадбирлар самарасидир. Президентимизнинг 2015 йил 15 майдаги “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони бу борадаги ислохотларнинг мантқий давоми бўлди.

(Давоми 2-бетда).

Саноат учун фойдали хом ашё

Зарафшон шаҳридаги “Зарафшон извест” масъулияти чекланган жамиятида вилоят саноати учун бутунлай янги маҳсулот — карбид кальций ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Бунинг учун хориздан замонавий технологик линия келтириб ўрнатилди. Ушбу истиқболли лойиҳа тижорат банкининг 1,5 миллиард сўмлик кредити ҳисобига молиялаштирилди.

— Кокс ва оҳадан тайёрланаётган мазкур хом ашё газ-пайвандлаш ишларида кенг қўлланилади, — дейди корхона раҳбари Саъдулла Адизов. — Қолаверса, ундан саноат мақсадларида ҳам фойдаланиш мумкин. Шу боис айни пайтда буюртмачиларимиз сафи кенгайиб бораёпти.

Азамат ЗАРИПОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

Табиий неъматлардан хуштаъм шарбатлар

Чиноз туманида фаолият юритаётган “Niagara Spring” масъулияти чекланган жамиятида олиб бориладиган технологик янгиликлар туфайли бу ерда маҳсулот тайёрлаш ҳажми 15 фоиз ошди.

Хозир корхонада Хитойдан олиб келинган замонавий ва тежамкор технологик линиялар ёрдамида кунига 40 минг дона пэт-капсулалари идишларга хуштаъм шарбатлар қўйилаёпти. Шунингдек, модернизация лойиҳаси шарофати билан жорий йилдан бошлаб бу ерда кимёвий қўшимчалардан

холи бўлган табиий яхна чой ва маъданли сув қадоқлаш ҳам йўлга қўйилди.

Ўтган йили истеъмолчиларга 1,5 миллиард сўмликдан зиёд маҳсулот етказиб берган жамоа жорий йил якунигача ушбу кўрсаткични 2 миллиард сўмга етказиш ҳаракатида.

Файрат ШЕРАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

Маҳалла танлови — билим ва тажриба мактаби

Яна саноқли кунлардан кейин мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма тўрт йиллик байрамини катта шодиёналар билан нишонлаймиз. Зеро, истиқлол туфайли ўзлимизга қайтдик. Халқимиз асрлар давомида интилиб яшаган ва курашган, “мустақиллик” деган бебаҳо неъматнинг қадр-қимматини бугун теран идрок этаёلمиз, ўтган давр мобайнида босиб ўтган оғир ва машаққатли, айни вақтда шарафли йўлимиз, кенг қўллаш имкониятларимиз, қўлга киритган улкан ютуқларимизнинг туб моҳияти ва аҳамиятини нафақат юртдошларимиз, балки жаҳон ҳамжамияти ҳам эътироф этмоқда.

КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Энг улуг, энг азиз айёмга қизгин ҳозирлик кўрилайётган айни кунларда “Бетакоримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!” шиори остида бўлиб ўтаётган “Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари” кўрик-танловининг ҳудудий босқичлари ана шу мақсадларга қаратилгани билан алоҳида мазмун-моҳият касб этмоқда.

Термиз шаҳридаги Ёшлар марказида ўтказилган танловнинг Сурхондарё вилояти бос-

қичида тарихан қисқа бўлган йигирма тўрт йил давомида халқимиз томонидан барча жабҳаларда қўлга киритилган улкан ютуқлар ва буларнинг аҳамияти ҳақида атрофлича сўз юритилди. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси билан маҳалла фуқаролик жамиятининг муҳим бўлини сифатида шакллантирилди ва ушбу ноёб тузилма бугунги кунда юртимизда амалга оширилган кенг қамровли ислохот-

лар жараёнида фаол қатнашмоқда. Хозир юртимизда мавжуд 10 мингга яқин фуқаролар йиғинлари томонидан 30 дан зиёд вазифалар муваффақиятли бажариб келинаёпти. Жумладан, тизимда иш юритаётган фаоллар миллий ва умуминсоний кадриятлар — дўстона қўшничилик, ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибатни мустаҳкамлаш, ёрдамига муҳтож инсонларга ғамхўрлик кўрсатиш ва ёшларни ватанпарварлик руҳида тар-

биялаш ишларида бош-қош бўлишмоқда.

Кўрик-танловнинг вилоят босқичида ана шундай муваффақиятларга эришган ва куйи босқичларда ғолиб бўлган 14 та фуқаролар йиғини жамоалари ўзаро баҳс олиб борди. Ҳакамлар ҳайъати томонидан уларнинг ҳудудларда амалга оширилган ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари ҳамда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлиги ва аҳоли осойишталигини сақлаш, касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш, “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастурида белгилаб берилган вазифаларни бажариш борасида қўлга киритган ютуқлари ошқоралик ҳамда адолат мезонлари асосида баҳоланди. Яқунда Термиз шаҳридаги “Алломиш”

маҳалла фуқаролар йиғини биринчи ўринни қўлга киритди. Кейинги ўринларни Қумқўрғон туманидаги “Ўзбекистон” ва Сарийосиё туманидаги “Шарафобод” маҳалла фуқаролар йиғинлари эгалладилар.

— Президентимиз раҳнаомлигида кўп асрлик тарихга эга бўлган маҳалла институтини қўллаб-қувватлашга қаратилган кенг қўллаш имкониятлар амалга оширилмоқда, — дейди танлов ғолиби бўлган маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ишқобил Поёнов. — Жумладан, тизим ходимларининг малакасини юксалтириш бўйича ўқув-курслари ташкил этилди. Айни чоғда иш фаолиятида кўл келадиган қўллаб-қувватлаш имконияти бўлиб ўзлаштирилди. Мазкур танлов ҳам бу борадаги билимларимизни мустаҳкамлашга хизмат қилганини айтиш зарур. Албатта, ушбу билим ва кўникмалар бундан кейинги иш фаолиятимизни янада самарали ташкил этишда қўл келади.


(Давоми 2-бетда).

ОБОД ЮРТНИНГ БУНЁДКОР ЁШЛАРИ

Бугун мамлакатимизнинг барча ғўшасида истиқлолнинг 24 йиллик шодиёналарини муносиб кутиб олиш ва ўтказишга қизгин ҳозирлик кўришмоқда. Республикаимиз ҳудудларида олиб борилаётган бунёдкорликлар ва ободончилик ишлари, айниқса, бу юмушларга камарбаста бўлаётган шижоатли ёшларни кўрганда, кўнглимиз фахру ифтихорга тўлади.



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.



Жумладан, юртимизда “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши томонидан талаба-ёшларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, ёзги таътил даврида уларни фойдали меҳнатга жалб этиш мақсадида “Бунёдкор” ёшлар меҳнат ҳаракати фаолияти йўлга қўйилганлиги ҳар жиҳатдан ибратлидир.

Чунинчи, бошқа жойларда бўлганидек, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Сурхондарё вилояти кенгаши ҳамда Термиз давлат университети томонидан ҳам бу борада бир қатор тадбирлар ишлаб чиқилиб, талабалар учун барча шарт-шароит яратиб берилмоқда.

— Бундан кўзланган асосий мақсад, — дейди “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Термиз давлат университети бошланғич ташкилоти етакчиси Музаффар Норқобилов, — ёшларда Ватан равнақи, халқ фаровонлигига йўналтирилган бунёдкорлик туйғусини шакллантиришдан иборат. Эзгуликка йўрилган бундай ташаббусни амалга ошириш жараёнида ёшлар билан фахрийлар, воҳалик таниқли ёзувчи ва шоирлар ўртасида мулоқотлар, учрашувлар ҳам ташкил этилмоқда.

(Давоми 3-бетда).

Фаровон заминда яшаш саодати

Юртдошларимизнинг мутлақ катта қисми — 99,4 фоизи истиқлол йилларида қўлга киритилган ютуқлардан чексиз гурурланади.

“Ижтимоий фикр” жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази томонидан энг улуг, энг азиз байрагимиз арафасида фуқароларимизнинг кайфиятини билиш, уларнинг мамлакат ва жамият ҳаётининг муҳим соҳаларидаги ислохотларга бераётган баҳосини таҳлил этиш мақсадида “Ўзбекистон: мустақилликнинг 24 йили” мавзусида ўтказилган социологик тадқиқотда шулар маълум бўлди. Унда диёримизнинг барча ҳудудидан юртдошларимиз — шаҳару қишлоқлар аҳолиси, эркеклар ва аёллар, кексалар ва ёшлар, турли миллат, этникот вакиллари қатнашди.

Сўровга кўра, халқимиз мустақиллигимизнинг 24 йиллигини юқори кайфият, катта қувонч, она-Ватанидан фахрлиниш, келажакка қўйиб ишонч ҳисси билан кутиб олмақда. Респондентларнинг 99,2 фоизи мамлакатимиз дунёда муносиб ўрнини топиб, одамлар учун мил-

ИЖТИМОЙ ФИКР

лати ва ижтимоий ҳолатидан қатъи назар, фаровон ҳаёт шароити таъминланган давлат сифатида халқаро ҳамжамият томонидан тан олинган, деб ҳисоблайди. Аҳолининг турли ижтимоий қатлами, элат ва ёш гуруҳларига мансуб кўпчилик ҳамда маиший шароитлари сезиларли даражада яхшиланиб, ижтимоий мақоми кўтарилган, фуқаролик ҳуқуқлари, шахсий ҳаётининг янада яхши таъминланган. Бундан ташқари, ахборот олиш ва ундан фойдаланиш имкониятлари кенгайган. Айни пайтда одамларнинг нафақат мамлакат ичиде, балки одамларнинг ижтимоий ҳаётини кўрсатиш, ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилишдек эзгу мақсад мужассамдир.

Марказ социологлари натижаларини шарҳлаб берар экан, аҳолининг мустақиллик тушунчасини ўзликини англаш билан узвий боғлаши муҳим кадриятга айланганини билдирдилар.

(Давоми 2-бетда).

ПАРЛАМЕНТ ҲАЁТИ

Пойтахтимизда “Юксак ҳуқуқий маданият — демократик жамият асоси, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини самарали амалга ошириш кафолати” мавзусида давра сўхбати бўлиб ўтди.

Юксак ҳуқуқий маданият — демократик жамият асоси

Тадбир Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), парламент қўйи палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси ҳамда Адлия вазирлиги томонидан ташкил этилди. Унда Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар депутатлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, таълим муассасалари ҳамда ОАВ ходимлари қатнашди.

Таъкидланганидек, мустақилликка эришган пайтда бошлаб юртимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари олий кадрият сифатида белгилаб олинди. Мазкур энг муҳим демократик принцип Ўзбекистон халқи учун мамлакатимизнинг ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган, бозор иқтисодиётига асосланган демократик ҳуқуқий давлат барпо

этиш, кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидан ишонч билан олға боришини таъминлаётган ва тараққиётнинг дунёда ўхшашли бўлмаган ноёб “ўзбек модели” асосидир. Жамиятда ҳуқуқий маданиятнинг ўсиши ҳамда қонун устуворлиги ва қонунийлик тамойилига содиқлик аҳолининг ҳокимияти бўлган ишончини мустаҳкамлаб, ислохотларни қўллаб-қувватлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўтган даврда мамлакатимизда энг юксак ва илгор халқаро принципларга жавоб бера оладиган, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатларини таъминлайдиган норматив-ҳуқуқий асос яратилди. У Конституция, 16 та кодекс, 400 дан зиёд қонуларни ўз ичига олади. Ўз навбатида, Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари соҳасига оид 70 дан ортқ халқаро шартномаларни ратификация қилди.

(Давоми 2-бетда).

Шарафқўннинг жадал сўрашлари

Яқинда набираларим билан Самарқанддан Тошкентга йўл олдик. “Афросиёб” поезди икки соат деганда манзилимизга етказиб қўйди. Қўйил қолдим. Юртимизда ҳар қадамда бир мўъжиза, ҳар қадамда бир янгилик. Юксак марралар сари дадил интилайётган Ўзбекистонимиздаги ривожланиш суръатини ана шу “учқур тулпор” шиддатига ўхшатгани келди.

Барот АМИРОВ,
«Шуҳрат» медали соҳиб.
Пастдарғом тумани

БУРУР

Технология асри мўъжизалари

Ихтирочиликка жуда қизиқман. Шу боис ҳозиргача бир неча робот моделларини яратишга муваффақ бўлдим.

Кубик-рубикни йиғишга мўлжалланган охириги ишланман рангларни ҳам ажрата олади. Унинг меҳнатидан маҳсулотни қайта ишловчи корхоналарда фойдаланиш мумкин.

Айтмоқчиманки, ҳозирги аср — юксак технологиялар асри, демек, бизнинг асримиз. Шу боис давр ёшлардан мўъжизалар кутмоқда.

Санжар ЗОЛИЛОВ,
Тошкентдаги Турин политехника университети талабаси.

Узлуксиз таъминот кафолати

Боёвут туманидаги “Боёвут-1” қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги Марказ маҳалласида уч юз метр чуқурликдан тоза ичимлик суви тортиб олина бошланди.

ОБОДЛИК

Этиборлиси, жорий йилнинг ўтган даврида Сирдарё вилояти бўйича 9 та ана шундай тик қудуқ қазилиб, 16 таси таъмирланди. Натижада 21 қишлоқ аҳоли пунктида ичимлик суви таъминоти яхшиланди. Шунингдек, Сардоба туманидаги Чўлуқвар ҳамда Боёвут туманидаги Наврўз массивларида ҳам мазкур тизимни барпо этиш ишлари янунланди.

робар кам энергия сарфлаши билан ажралиб туради. — Инвестиция дастурига киритилган ушбу юмушлар ижросига 2015 йил давомида 15 миллиард сўм миқдоридида маблағ йўналтирилмоқда, — дейди вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги Ягона инжиниринг компанияси директори ўринбосари Абдор Рўзиев. — Яъни йил охиригача яна 16 та қишлоқ аҳоли пунктига янги ичимлик суви тармоқлари тортилади. Шунингдек, бу борада 14 та намуна лойиҳалар асосидаги уй-жой массивида олиб борилаётган ишлар ҳам ниҳоясига етказилади.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ОБОД ЮРТНИНГ БУНЁДКОР ЁШЛАРИ

(Давом. Бошланиш 1-бетда).

Таъкидлаш керакки, Президентимизнинг 2005 йил 31 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Қучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга бериладиган имтиёзлар тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳарбий хизматни ўтаб, қисм қўмондонлигидан тавсиянома олиб қайтган абитуриентлар учун катта имкониятлар эшигини очиб берди. Термиз давлат университетининг жисмоний маданият факультети талабаси, “Бунёдкор” ёшлар меҳнат ҳаракати аъзоларидан бири Фазлидин Қосимов ҳам ана шу имтиёз асосида ўқишга қабул қилинган.

— Ёзги таътилда фойдаланиш меҳнат қилиб, кўп нарсани ўрганаёямиз, — дейди у. — Қолаверса, ишлаб даромад ортираёямиз. Бу албатта, оиламиздагилар учун яқингина ёрдам ҳисобланади.

Бугунги кунда университет талабалари воҳанинг қурилиш ишлари қизгин олиб борилаётган нуқталарида бунёдкорларга яқиндан қўмақдош бўлишмоқда. Ғайратли ва шижоаткор ёшларнинг ақсариёти воҳадаги “Гавҳар Нур” масъулияти чекланган жамияти, “Термиз тезкор саноат”, “Эл Сурхон Самарқанд”, “Улуу обод Осий”, “Термиз таъмир-қурилиш” масъулияти чекланган жамиятлари қурувчилари билан елкама-елка туриб меҳнат қилишмоқда.

Шунингдек, университетнинг жисмоний маданият факультети бунёдкор-талабалари Термиз туманининг Солиобод ва Тинчлик маҳаллаларида намунавий лойиҳа асосидаги уй-жойлар, тарих, иқтисод, филология факультетлари талабалари эса Термиз шаҳрида бунёд этилаётган кўп қаватли уйлар қурилишида жонбозлик кўрсатишмоқда.

— Муस्ताқиллигимизнинг 24 йиллик байрамини нишонлашга тайёргарлик қўрилаётган ҳозирги пайтда талаба-ёшларимизнинг ақсариёти шодёнга таралдув ишларига ўз ҳиссаларини қўшиш истагини билдиришди, — дейди Термиз давлат университетининг маънавий-маърифий ишлар бўйича проrektори Ойбек Рўзиев. — Талабалар ёзги таътил давомида ўз ўринларини бунёдкорлик ишларида, деб ҳисоблашган бўлса, уларнинг 100 нафари университетнинг ўзида қолиб, ободонлаштириш ва кўккаламзорлаштириш юмушларига кўмаклашишмоқда.

Нормурод ТЕМИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Меҳр ва эътибор ифодаси

Мамлакатимизнинг барча ҳудудида бўлгани каби Қорақалпоғистон Республикасида ҳам “Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!” шиори остида саломатлик ҳафталиги қизгин давом этмоқда.

ЭЪЗОЗ

Кексаларни эъзозлаш йили муносабати билан ташкил қилинган мазкур ижтимоий акция доирасида ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари, илмий текширув институтлари ва тиббиёт йўналишидаги олий таълим муассасаларининг профессорлари, терапевт, хирург, кардиолог, невропатолог, офтальмолог, уролог, ортопед, травматолог каби малакали мутахассислар Оролбўйи минтақаси аҳолисини чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказишмоқда. Мазкур жараёнда замонавий тиббий ускуналардан фойдаланилаётгани аниқ ташхис қўйишда кўп келаётди. Шунингдек, касаллиги аниқланган беморларга даволаниши учун турли клиникалардан фойдаланиш бўлишмоқда.



Мақсад ХАБИБУЛЛАЕВ (ўзА) олган сурат.

дан фойдаланилаётгани аниқ ташхис қўйишда кўп келаётди. Шунингдек, касаллиги аниқланган беморларга даволаниши учун турли клиникалардан фойдаланиш бўлишмоқда.

касаллиги аниқланган беморларга даволаниши учун турли клиникалардан фойдаланиш бўлишмоқда.

га йўлланмалар берилмоқда.

— Ҳафталик давомида аҳолининг барча қатламини қамраб олишга ҳаракат қилинаёпти, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари Қурал Камолов. — Шунингдек, гуруҳларга бўлинган малакали мутахассислар жойларда аҳоли, хусусан, аёллар ва ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилишмоқда. Тиббиёт муассасаларига келолмайдиган нуруний отахону онахонлар эса яшаш жойларига шифокорлар ташриф буюраётганлар жуда мамнун бўлишмоқда.

Ҳидоят АҲМЕДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЖАХОН ПОХАЖ 24 СОАТ ИЧИДА

“Pearson” наشريёт холдинги (Буюк Британия) дунёга машҳур “The Economist” ҳафталик журналининг 50 фоиз акциясини бошқа бир сармоядорга сотганлигини маълум қилди.

Улушини кўпайтирди

“Евроноьюс” телеканали хабарига кўра, уни 469 миллион фунт стерлинг эвазига италиялик Аньеллилар оиласи харид қилган. Аниқроғи, ушбу сулолага қарашли “Ехог” компанияси холдингдаги ўз улушини 4,7 фоиздан 43,4 фоизга оширган.

Олдинроқ “Pearson”га тегишли “Financial Times” газетаси Япониянинг “Nikkei” медиакорпорациясига 844 миллион фунт стерлингга сотиб юборилган эди.

Омборхонадаги бахтсиз ҳодиса

Хитойнинг Тяньцзинь шаҳридаги “Ruihai Logistics” логистика компанияси омборхонасида портлашлар рўй берди.

Оқибатда 44 киши ҳаётдан кўз юмди, қарийб беш юз нафарга яқин одам тан жароҳати олди. Улардан ўн икки нафари воқеадан сўнг содир бўлган ёнгини бартараф этишга жалб қилинган ўт ўчириш хизмати ходимлари эканини айтилмоқда. Бундан ташқари, 36 нафар ўт ўчирувчи бедарак йўқолган.



автомобилларга жиддий зарар етган.

Кўчили портлаш натижасида икки километр радиусда жойлашган биналарга ҳамда минглаб

Омборхона атрофида турли кимёвий бирикмаларнинг ҳиди тарқалган. Шу боис бинода тез ёнғунли маҳсулотлар сақлангани тахмин қилинаёпти. Портлаш нимадан келиб чиққани ҳақида маълумот йўқ.

Жаҳон бозориди талаб ортмоқда

Жорий йилда нефтга бўлган талаб сўнгги беш йил ичидаги кўрсаткичлар билан қиёслаганда энг юқори суръатда ўсмоқда.

Бу ҳақда Халқаро энергетика агентлиги (ХЭА) томонидан тайёрланган маърузада таъкидланган. Унга кўра, 2015 йилда углеводород хом ашёсининг кунлик эҳтиёжи 1,6 миллион баррел ортади ва 94,2 миллион баррелга етади. Бундай иқтисодий натижа ривожланган мамлакатларда “қора олтин”га бўлган талабнинг ошгани ҳамда маҳсулот харидорларга паст нарҳда тақлиф этилаётгани билан боғлиқ.




ХЭА прогнозига қараганда, 2016 йилда углеводород хом ашёсига бўлган кунлик эҳтиёж яна 1,4 миллион баррелга кўпаяди.

Куёш ёрдамида ҳаракатланади

Австралиянинг “EVX” компанияси куёш батареялари орқали ҳаракатланувчи “The Immortus” русумли электр спорт автомобиллини яратди.

Янги машинанинг узунлиги 5, эни 2, баландлиги 1,1 метрга тенг. Унинг саломи икки кишига мўлжалланган. Бундан ташқари, автомобилда кичик ўлчамдаги юкхона ҳам мавжуд. “The Immortus” бир жуфт электр двигатели билан жиҳозланган. Уларнинг умумий қуввати 40 киловатт (54 от кучи)ни ташкил қилади. Автомобил етти сонияда 100 кило-



метр тезликка чиқиш имкониятига эга. Энг юқори тезлик кўрсаткичи эса соатига 150 километр. У бир марта тўла қувват олиш ҳисобига 550 километр масофани босиб ўтади.

Янги хизмат тури

Жанубий Кореянинг “LG” компанияси ишлаб чиқараётган смартфонлари учун мусиқий хизмат тизимини жорий этишини маълум қилди.

“LG SmartWorld” дастури орқали ишлайдиган ушбу илова 70 мамлакатда амал қилади. Унда 24 бит/192кГц сифатидаги мусиқаларни фақат “G2”, “G3”, “G4” ва “G Flex 2” русумларидаги мобиль телефонлар орқали тинглаш мумкин.



Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Тошкент автомобиль-йўллар институти жамоаси Механизмлар назарияси ва машина деталлари кафедрасининг собиқ ўқитувчиси **Раҳим МАҲАМЕДОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларида чуқур таъзия изҳор этади.

ЭЪЛОНЛАР

«REAL AUCTION» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига тақлиф этади.

Аукцион савдосига Тошкент вилояти Зангиота тумани СИБ томонидан 2013 йил 23 декабрдаги 16-1307/9118-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Келес шаҳри, Оқибат кўчаси, 4-уйда жойлашган, Хитой давлатида ишлаб чиқарилган икки донга 3 тоннадан иборат бўлган ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш технологиясига асосланган кўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 232 474 657 сўм.

Аукцион савдоси 2015 йил 31 август кунин соат 12.00 дан бошлаб ўтказилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва аукцион бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Маҳмуд Таробий кўчаси, 31-уй. Телефон: (0-371) 254-69-13.

Гувоҳнома № 006795.

11044/28

«Universal auktsion invest» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига тақлиф этади.

● 2015 йил 14 сентябрь кунин соат 11.00 да ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Шеробод тумани СИБ томонидан ЖИБ Шеробод тумани судининг 2015 йил 23 майдаги 1-84/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Шеробод тумани ИИБда сақланаётган, 1997 йилда ишлаб чиқарилган, «Тисо» русумли, давлат рақами 75 В 625 DA бўлган автотранспорт воситаси кўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 4 500 000 сўм.

● 2015 йил 28 август кунин соат 11.00 да ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Жарқўрғон тумани СИБ томонидан хатланган, Жарқўрғон тумани ИИБ ИҲБда сақланаётган кўйидаги автотранспорт воситалари кўйилмоқда:

- ЖИБ Музработ тумани судининг 2014 йил 17 сентябрдаги 1-206-сонли ижро варақасига асосан, 1975 йилда ишлаб чиқарилган, «ВАЗ 2103» русумли, давлат рақами 19 G 47 32.

Бошланғич баҳоси — 2 512 276 сўм.

- ЖИБ Қизилқум тумани судининг 2013 йил 22 ноябрдаги 1-351-сонли ижро варақасига асосан, 1985 йилда ишлаб чиқарилган, «М-412» русумли, давлат рақами 75 А 146 ЕА.

Бошланғич баҳоси — 623 295 сўм.

- ЖИБ Жарқўрғон тумани судининг 2013 йил 19 апрелдаги 1-59-сонли ижро ақриқмига асосан, 1983 йилда ишлаб чиқарилган, «ЗИЛ 138А» русумли, давлат рақами 19 D 03 05.

Бошланғич баҳоси — 8 694 964 сўм.

- ЖИБ Термиз шаҳар судининг 2014 йил 26 февралдаги 1-150-сонли ижро варақасига асосан, 2009 йилда ишлаб чиқарилган, «ГБА СПГ УАЗ-3303» русумли, давлат рақами 75 Q 498 ЕА.

Бошланғич баҳоси — 8 910 000 сўм.

Аукцион савдоларини ўтказиш ва қўшимча маълумот олиш манзили: Термиз шаҳри, «Тадбиркорлар маркази» биноси. Мурожаат учун телефон: (+99876) 223-25-55.

Гувоҳнома № 004059.

11044/28

«NEW ESTATE ACTION» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига тақлиф этади.

Аукцион савдосига Тошкент вилояти Қибрай тумани СИБ томонидан кўйидаги кўчмас мулклар такоран кўйилмоқда:

1. 2011 йил 13 июлдаги 4912-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, «Оқовоқ» ҚФЙ, Узумзор маҳалласидаги 0,12 гектар ер майдонида жойлашган, қурилиши тугалланмаган савдо дўконлари.

Бошланғич баҳоси — 74 656 461 сўм.

2. 2014 йил 17 февралдаги 2472-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, «Матқабуллов» ҚФЙ, Ариг маҳалласи, Янги ҳаёт кўчаси, 9-уйда жойлашган, ер майдони 0,688 гектар, умумий майдони 628,07 кв.м. бўлган, 2 қаватли қурилиши тугалланмаган уй-жой.

Бошланғич баҳоси — 240 273 333 сўм.

3. 2013 йил 8 июлдаги 2-60-13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, «Чингелди» МФЙ ҳудудида жойлашган, жами ер майдони 1,34 гектар бўлган, қурилиши тугалланмаган бино-иншоотлар.

Бошланғич баҳоси — 127 580 540 сўм.

Аукцион савдоси 2015 йил 3 сентябрь кунин соат 12.00 дан бошлаб ўтказилади.

Аукцион савдосига Тошкент вилояти Зангиота тумани СИБ томонидан кўйидаги кўчмас мулклар такоран кўйилмоқда:

1. 7450/24-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Кўқсарой» ҚФЙ, Муस्ताқиллик 1-тор кўчаси, 19-уйда жойлашган, ҳужжат асосида ер майдони 800,0 кв.м., фойдаланилаётган майдон 865,0 кв.м. бўлган кўчмас мулк.

Бошланғич баҳоси — 110 217 734 сўм.

2. 7451/24-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Кўқсарой» ҚФЙ, Муस्ताқиллик 1-тор кўчаси, 21-уйда жойлашган, ҳужжат асосида ер майдони 800,0 кв.м., фойдаланилаётган майдон 1040,0 кв.м. бўлган кўчмас мулк.

Бошланғич баҳоси — 145 222 392 сўм.

3. 10163/24-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Эркин» ҚФЙ, Мирзо Улуғбек кўчаси, 1-уйда жойлашган тураржой.

Бошланғич баҳоси — 962 661 898 сўм.

Аукцион савдоси 2015 йил 7 сентябрь кунин соат 12.00 дан бошлаб ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва аукцион бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади. Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулклар билан талабгорлар тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатал келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закатал пулини «New estate action» МЧЖнинг АИТБ «Ипак йўли» банки Миробод филиалидаги кўйидаги хисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104995394001, МФО: 01101, СТИР: 302373151.

Хизматлар лицензияланган.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Маҳмуд Таробий кўчаси, 31-уй. Телефон: (0-371) 254-69-13.

11044/24



замонавий корхоналар фаолиятини йўлга қўйиш, минглаб иш ўринлари яратиш билан боғлиқ кўплаб истиқболли лойиҳалар тижорат банкларининг молиявий кўмағида амалга ошириляпти. Бу "Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун" тамойили амалда яққол ўз ифодасини топаётганидан далолатдир.

Ипотека-банк:

МИЖОЗЛАР ИШОНЧИ — БОШ МЕЗОН

Дарҳақиқат, республикамизда банкларнинг капиталлашув даражаси изчил ортаётгани, тизимнинг ликвидлиги мустаҳкамланиб, кредит портфелининг асосий қисми ички манбалар ҳиссасига тўғри келаётгани тўғрисида банк хизматларидан фойдаланаётганлар сони йил сайин тобора кўпайиб бормоқда. Бундай ижобий ўзгаришлар эса халқроқ миқёсда ҳам муносиб баҳоланаяпти. Хусусан, яқинда "Moody's" халқаро рейтинг агентлиги Ўзбекистон банк тизими ривожланиш истиқболларини олтинчи марта "Барқарор" даражада тасдиқлади.

Ортимиз молиявий хизматлар бозорида юқори мавқега эга "Ипотека-банк" акциядорлик тижорат ипотека банки ҳам ушбу жараёнда фаол иштирок этаётир. Зеро, мазкур молия муассасаси томонидан капитални ошириш, ресурсни кўпайтириш, инвестициявий тадбирларни фаоллаштириш, кредитлаш

2015 йил 30 июлда
«Standard & Poor's»
халқаро рейтинг агентлиги
«ИПОТЕКА-БАНК»
акциядорлик тижорат ипотека банкининг
«В+В»
рейтингини тасдиқлади.
Рейтинг истиқболи
«БАРҚАРОР»

Moody's
INVESTORS SERVICE
«MOODY'S INVESTORS SERVICE»
халқаро рейтинг агентлиги
«Ипотека-банк»
акциядорлик тижорат ипотека банкига
Миллий валютадаги узоқ мuddатли депозитларга берилган «B2»
Хорижий валютадаги қисқа ва узоқ мuddатли депозитларга берилган «B2»
рейтингини тасдиқлади.
Банк рейтинглар естимбона «БАРҚАРОР»
7 январи 2015 йил

ишларини кенгайтириш мақсадида муайян тадбирлар олиб боришмоқда. Натижада жорий йилнинг олти ойида унинг жами капитали 329,3 млрд. сўмга етди. Активлари эса йил бошидагига нисбатан 365,0 млрд. сўм кўпайиб, 3 трлн. 657 млрд. сўмни ташкил этди. Шунга мос равишда энг асосий кўрсаткичлардан бири — кредитлаш салоҳияти ҳам сезиларли даражада кўтарилди.

Гап шундаки, банк кредит портфели 2 трлн. 909 млрд. сўм, ресурс базаси 1 трлн. 836 млрд. сўм, ресурс базаси таркибиде аҳоли омонатлари қолдиги 526,7 млрд. сўмга етди. Буларнинг барчаси, ўз навбатида, "Ипотека-банк"да активларини самарали бошқариш, хизмат турларини янада кенгайтиришга устуворлик қаратилиб, мижозлар билан ишлашда ўзига хос тажриба тўпланганидан далолат беради.

Бу каби ютуқлар "Standard & Poor's" ва "Moody's" халқаро рейтинг агентликлари томонидан юқори баҳоланмоқда. Яқинда ушбу агентликлар "Ипотека-банк"ка берган "Барқарор" рейтингини қайта тасдиқлади.

Ишбилармонларнинг яқин ҳамкори

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси иқтисодиётимизнинг таянч устунларидан бирига айланган. Бу юртимизда мазкур соҳани жадал ривожлантириш, ишбилармонлар фаолиятини ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани самарасидир.

Айтиш жоизки, соҳа истиқболли сармоясиз тасаввур этиш мушкул. Молия муассасалари бу борада ишбилармонларнинг ишончли ҳамкори ва яқин кўмақчисига айланган. Чунончи, "Ипотека-банк" томонидан жорий йилнинг биринчи ярмида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 487,6 млрд. сўм миқдорда кредитлар ажратилди. Бунинг ҳисобига кўплаб юрдошларимизнинг бизнес-режалари амалиётга татбиқ этилиб, тадбиркорлар сафи янада кенгайди. Масалан, банк филиаллари орқали хотин-қизларни тадбиркорликка жалб қилиш ва уларнинг бизнес фаолиятини кўллаб-қувватлаш мақсадида 57,3 млрд. сўм, сервис соҳасини такомиллаштириш учун эса 81,7 млрд. сўмдан ортик кредитлар йўналтирилди. Бундан ташқари, юрдошларимиз қарийб 110,5 млрд. сўмлик микрокредитлар, оилавий тадбиркор ва хунармандлар 6,1 млрд. сўмга яқин банк кўмағидан баҳраманд бўлдилар.

Ешлар, шу жумладан,

касб-хунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш — давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири. Айниқса, уларнинг тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этилиши кичик мутахассисларнинг катта ютуқларига асос бўлмоқда. Ўтган даврда банк томонидан ана шундай йигит-қизларнинг қарийб 9,5 млрд. сўмлик истиқболли лойиҳалари молиялаштирилди. Еш оилаларнинг ўз бизнесларини йўлга қўйишлари

эътибор қаратилмоқда. Бунинг самараси ўларок, кўплаб замонавий тураржой массивлари бунёд қилинди. "Ипотека-банк" сармояларининг салмоқли қисми ана шундай хайрли ишларга йўналтирилаётгани эътиборга моликдир. Жумладан, вилоятлар маркази ва Тошкент шаҳрида 61 кўп қаватли уй қурилиши ушбу банк томонидан молиялаштирилмоқда. Бунинг учун 195,5 млрд. сўм кредит маблағлари ажратилди. Натижада бугунги кунга



МАВСУМ

Самарқанд вилоятида ҳам янги ўқув йили олдида анъанавий мактаб ярмаркалари ташкил этилди.

Мактаб ярмаркалари — аҳолига қулайлик

Умумтаълим мактаблари, бозорлар ҳамда аҳоли гавжум жойларда иш бошлаган мазкур кўргазма-савдоларда, асосан, маҳаллий тадбиркорларимиз томонидан тайёрланган 26 турдаги ўқув қуроллари, ўқувчи формалари ҳамда дарсликлар мақбул нархларда сотувга чиқаришмоқда. Бу эса ота-оналар ҳамда ўқувчилар учун катта қулайлик туғдирапти.

Бундан ташқари, вилоят халқ таълими бошқармасидан олинган маълумотларга кўра, Қўшработ, Ургут, Нурубод, Каттакўрғон каби туманларнинг олис қишлоқларидаги мактаблар ўқувчиларига хизмат кўрсатишга ихтисослаштирилган кўма автормаркалар ҳам фаолият кўрсатмоқда.

Мамодиёр ЗИЁДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ТАДБИР

Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллик шодиёналари арафасида жойларда турли маданий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда.

Завқ улашган мусобақалар

Жиззах шаҳрида "Кексалик завқи" деб номланган спорт мусобақасининг вилоят босқичи ташкил этилди.

Вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси томонидан уюштирилган тадбирда фахрийлар спортнинг шахмат, шашка ва стол теннис бўйича беллашдилар.

Яқунда стол тенниси бўйича эркалар ўртасида ғаллаороллик С. Умрзоқов, аёллардан эса Жиззах туманида яшовчи Д. Саидова муваффақият қозонди. Шашка ва шахмат турлари бўйича голиблик Жиззах туманидан А. Мухторов ҳамда зарбдорлик К. Гадовега насиб этди.

Шунингдек, турли номинациялар бўйича ҳам совриндорлар аниқланди.

Дилфуза ҚАРШИБОВЕВА.

Ёшлигида кураги ерга тегмаган полвон сифатида танилган Қаҳҳор Сатторов яқинда Бухоро шаҳридаги марказий истироҳат боғида ташкил этилган тадбирда қатнашиб, бир дунё таасирот билан уйига қайтди. 81 ёшли отахон бу ерда кексалар ўртасида ўтказилган мусобақада биринчи ўринни эгаллади.

Вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси, шаҳар ҳокимлиги ҳамда бошқа бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида уюштирилган байрам тадбири "Кексалик завқи" деб номланди. Кексаларни эъзозлаш йили муносабати билан ўтказилган бу ўзига хос беллашувга етимш нафардан зиёд отахон таклиф этилди. Улар спортнинг шахмат, шашка, стол теннис, миллий кураш турлари бўйича ҳам ўзаро беллашди.

Яқунда голибларга ташкилотчилар томонидан эсдалик совғалари топширилди.

Истам ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

МИННАТДОРЛИК

"Ипотека-банк"нинг Бухоро вилояти филиали мижозимиз. Филиал ходимларининг мижозлар билан ишлашдаги янгича ёндашуви тадбиркорлик фаолиятимизни янада ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда. Масалан, бу ерда тезкор ва сифатли банк хизматлари кўрсатиш учун барча шарт-шароит муҳайё қилинган. Тақдим этилаётган кредитларнинг йиллик фоиз ставкалари мижозлар учун худаям қулай тарзда белгиланган.

Ишга янгича ёндашув

Аслида, бизнесда кредит фоизининг юқори ёки пастлиги унчалик муҳим эмас. Гап маблағни тўғри йўналтириб, ундан оқилона фойдаланишдадир. Бу жараёнда, кунда бўлмаса ҳам, кунора ишимиз тушадиган банк ходимлари тўғри йўл-йўриқ кўрсатаётгани бизни муваффақиятлар сари етакламоқда.

Ўтган йили ушбу банкдан 400 млн. сўм миқдорда кредит олиб, унинг тенг ярмини газлама ишлаб чиқариш ускуналари, қолгани эса хом ашё сотиб олиш учун сарфланди. Натижада корхонамизда рақобатбардosh тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ўтган қисқа даврда буюртмачиларга 1 млрд. 200 млн. сўмлик маҳсулот етказиб бердик. Муҳими, ҳадемай, олган қарзимизни тўлиғича қайтарамиз.

Келгусида режаларимиз кўп. Фаолиятимизни янада кенгайтириб, ишлаб чиқаришнинг бошқа йўналишларини йўлга қўймоқчимиз. Бу борада "Ипотека-банк"нинг молиявий ёрдамига таянамиз.

Дилшод БОБОЖОНОВ,
«Камлак шабнам текс» МЧЖ раҳбари.
Бухоро вилояти

Бизнес-режам амалга ошди

Халқимизнинг айёмлари, тўю тантаналари кўп. Байрам дастурхонини эса ширинликларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шу жиҳат мени тадбиркор бўлиш, қандалат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга ундади. Аммо бошлангич сармояни шакллантиришга қийналиб қолдик.

Шунда молиявий ёрдам сураб, "Ипотека-банк"нинг "Тинчлик" филиалига мурожаат қилдик. Бизнес-режамиз билан яқиндан танишган филиал ходимлари 12 млн. сўм миқдорда кредит ажратиб беришди. Шу тариха мўъжазгина корхона фаолиятини йўлга қўйдик. Бугунги кунда аҳолига турли

қандалат маҳсулотлари ҳамда ширинликлар етказиб бераймиз. Бунда хорижий мамлакатларда малака ошириб келганим асқатапти. Ширинликлар сифати, кўриниши, мазаси билан чет элиқидан сираям қолишмайди. Талаб ҳам шунга яраша ортиб бормоқда.

Худудимизда "Ипотека-банк"-

нинг молиявий ёрдами билан тадбиркорликнинг этагидан тутганлар оз эмас. Чунки кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кўллаб-қувватлаш мазкур банкнинг устувор йўналишлари сирасига қиради. Мен ҳам шулар қаторида эканлигимдан, элимизнинг хурсандчилиги кунларига тансиқ неъматлар етказиб бераётганимдан хурсандман.

Матқарим МАТҚАРИМОВ,
якка тартибдаги тадбиркор.
Хоразм вилояти

Муваффақиятлар калити

Сўнгги йилларда банк ва мижоз ўртасидаги ҳамкорлик тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Яъни молия муассасасининг мижоз учун қулай шартларда таклиф этаётган хизматлари тури кенгаётгани, аҳоли орасига чуқур кириб бораётгани шундай дейишга асос бўлади. Қолаверса, банк хизматлари, биринчи навбатда, мижоз манфаати устуворлигини кафолатлайди. Бунга корхонамиз фаолияти яққол мисол бўла олади.

Мебель жиҳозлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхонамиз 1998 йилда ташкил этилган. Ўтган давр мобайнида "Ипотека-банк"нинг "Қўқсарой" филиали билан ҳамкорлигимиз тўғрисида кўплаб ютуқларни кўлга киритиб, янгидан-янги марраларга эришдик. Хусусан, 2013 йилда мазкур молия муассасасининг 200 млн. сўмлик кредити эвазига илгор ускуналар харид қилиб, модернизациялаш ишларини якунладик. Натижада ишлаб чиқараётган мебель жиҳозлари, эшик, дераза ва ромлар сифати янада яхшиланди. Талаб ҳам шунга яраша ошди. Корхонамизнинг 40 кишилик аҳил жамоаси ортиб бораётган буюртмаларни ўз вақтида бажариш пайдидан бўлмоқда.

Келажақда фаолиятимизни янада кенгайтириш, маҳсулот турларини кўпайтиришга қаратилган қўшимча лойиҳаларни амалиётга татбиқ этишни режалаштирганмиз. Улар рўёбда яқин ҳамкоримизга айланган ушбу банк молиявий жиҳатдан ёрдамини аямаслигига ишончим комил.

Содиқ АБДУСАМАТОВ,
«Сабина — С» хусусий корхонаси раҳбари.
Самарқанд вилояти

Банк материаллари асосида
Санд РАҲМОНОВ тайёрлади.

Хизматлар
лицензияланган.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 867. 74 403 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Телефонлар:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълолар 232-11-15.

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.
Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бемуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев.
Навбатчи — О. Файзиев.
Мусахҳах — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.50 Топширилди — 21.35 1 2 3 4 5

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

